

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ



ПСКОМ ДАРЁСИ — ЧЕКСИЗ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Бугун мамлакатимизда сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, тизимда замон талабларига мос бошқарув усуллари жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида мамлакатимизда 42 та янги ГЭС қурилиши ҳамда ҳозир мавжуд 32 та ГЭСни модернизация қилиш режалаштирилган.

Ислохот



Бугунга қадар тоғ остида ўтказилган 1 минг 800 метрлик ер ости йўли, яъни туннелнинг асосий қисми қазиб бўлинди, фақат 100 метр жойда бурғулаш ишлари ҳали давом этмоқда. Туннель битганидан кейин дарё тўсилиб, 195 метр боландликдаги тўғон қурилади.

Ана шундай ГЭСлардан бири Бўстонлиқ туманининг Курдухтар қишлоғидан оқиб ўтувчи Пском дарёси устида барпо этилмоқда. "Ўзбекгидроэнерго" АЖ томонидан бир гуруҳ журналистлар учун медиа-тур ташкил этилиб, унда ОАВ ходимлари янги бунёд этилаётган гидроэлектростанциядаги қурилиш жараёни билан

яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. Шу ўринда таъкидлаш керак, Пском дарёси Ўзбекистонда ўзлаштирилмаган дарёларнинг энг йириги ҳисобланади. Пском дарёси Ойқанинг ва Майдонтоғ ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлган йирик дарё бўлиб, у тўлиғича республикаимиз ҳудудидан оқиб ўтади.

Дарёнинг юқори қисмида мамлакатимиздаги энг йирик "Чорбоғ" ГЭС барпо этилган. Айни пайтда эса "Пском" ГЭСнинг қурилиш ишлари қизғин оlib бoрилмақда. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, Пском дарёси битмас-туганмас энергия манбаига эга эканлиги ойдинлашади.

2

ҚАЙНОНА-КЕЛИНЛАР ҲИММАТИ

Шу кунларда "Оққўргонпилла" корхонасига аҳоли томонидан кетма-кет пилла ҳосили топширилмоқда. "Маданият" массиви "Сувти" маҳалласидаги "Фазлиддин Омонов" фермер хўжалигининг илгор пиллакорлари Жамила ва Ашур Сафаровлар 2 қўти ипак қўртини парваришлаб, юқори ҳосил топширишди.

Пилла — 2019



Шунингдек, "Ўзбекистон" массиви, "Саидобод" маҳалласида яшовчи Бувайда Тўраева оила аъзолари билан бирга 5 қўти қўрт уруғини парваришлаб, ҳар қўтисидан 60 кг. ўрнига 70-75 кг.дан пилла сотишга эришди. Унга келинлари Ўлмасой Раҳмонова, Хуршида Тўраева, Зулхумор Ортықбоевалар ёрдам бериб, баҳонада қайнонасининг 32 йиллик пилла парвариши бўйича тажрибасини ўргандилар, натижасидан эса ўзлари ҳам мамнун бўлишди.

Дилбар ЭГАМБЕРДИЕВА,
Қайнар САИДОВ

Саломат бўлинг

«АСАЛ» БОЛА —
КАСАЛ
БОЛАМИ?



XXI асрда болалар ўртасида учраётган энг жиддий муаммолардан бири семизликдир.

3

Бу ҳақда «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди

ҚОРИН ДАРДИ — ҚОЗОНГАЧА, КЎЧА САВДОСИ ҚАЧОНГАЧА?



Яшириб нима қилдик, кўпчилигимиз қаторлашиб турган қўлбола йиғма рас-таларда хонадонларда тайёрланган овқатлар, турли хил салатлар савдосига кўникиб кетганмиз. Ўша овқатлардан сотиб оламиз ҳам. Лекин, ҳеч ўйлаб кўрганми-

Базан вилотимиз шаҳар ва туманларининг аҳоли гавжум жойларида, катта кўчалар бўйларида турли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чева-лар савдоси авж олганига дуч келамиз. Буни нимаси ёмон, дейишга шошилманг. Пашшадан фил ясаш ниятимиз йўқ, Бироқ, ўша биз кўникиб қолган кўча савдолари аксар ҳолларда ноҳонунг эканини биламизми?

Келинг яхшиси, шу кунларда ўзимиз гувоҳи бўлган манзара ҳақида айтиб бера қолайлик. Эрта тонгдан иш юзасидан вилот ҳокимлигига боришга тўғри келди. Ортга қайтаётим,

"Гуландом" савдо маркази ёнидаги автотурагоҳдан енгил машинага ўтирдик. Айни шу жойда турли хил овқатларни тоғораларда сотаётган опакхонларни учратдик. Савдо авжиди. Иштахига қараб танлайверасиз.

Давоми 3-бетда ➡

Жараён

Мамлакатимизда, шу жумладан, вилотимизда ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш, бу борада мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бoрилмақда. Энг асосийси, мактабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш, аynиқса, давлат-хусусий шерикчилик ҳамда нодавлат таълим муассасаларини кўпайтириш, уларга болаларни имкон қадар кўпроқ қамраб олиш, соҳага малакали педагог кадрларни жалб этиш, қолаверса, боғчаларни замонавий ўқув-методик материаллар ва керакли жиҳозлар билан тўлдириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

БЎЛАДИГАН БОЛА... БОҒЧАСИДАН МАЪЛУМ

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида вилот бўйича 200 нафар тадбиркор томонидан 7 минг 684 қувватга эга нодавлат мактабгача таълим муассасаси (29 та давлат-хусусий шерикчилик, 68 та оилавий ва 103 та хусусий) фаолияти йўлга қўйилган бўлса, жорий йилда эса 182 та мана шундай муассасалар ташкил этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мавжуд боғчаларда қўшимча 482 та қисқа муддатли гуруҳлар очиш ва 1 та янги мактабгача таълим муассасаси қурилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида, 25 минг 500 нафар бола муассасаларга жалб этилиб, қамров даражаси 48,6 фоизга етказилиши назарда тутилган.

Сўнгги маълумотларга кўра, вилотимизда 3-7 ёшли болалар сони 218 минг 888 нафар бўлиб, шундан 80 минг 963 нафари (36,9 фоизи) мактабгача таълим муассасаларида тарбия олишади. Қолганлари эса...

Бу қоникарли кўрсаткич эмас, албатта, — дейди вилот Мактабгача таълим бошқармаси раҳбари Нодира Далабаева. — Лекин, бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Кўпгина туман ва шаҳарларда боғчалар сони кам. Вилотнинг энг чекка ҳудудларида эса мактабгача таълим муассасалари умуман йўқ. Имконияти борлар болала-

рини кўшни ҳудудлардаги боғчаларга беришган. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, вилотимиздаги 1 минг 26 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 570 тасида боғча йўқ. Очиги, қиладиган ишларимиз кўп.

Унинг таъкидлашича, бу каби муаммоларни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошланган. Жумладан, 2022 йилгача вилот бўйича мактабгача таълим муассасаларига 100 фоиз болалар қамраб олиниши режалаштирилган. Бунга давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш, нодавлат, аynиқса, оилавий боғчаларни кўпайтириш, шунингдек, бу ишга тадбиркорларни кенг жалб этиш, бўш турган бино ва



ерларни уларга имтиёзли равишда бериш орқали эришилади. Бундан ташқари "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" Давлат дастурларига ҳам янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, борларини қайтадан реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирдан чиқариш режалари киритилган.

Давоми 4-бетда ➡

«АМИРСОЙ САЙЁҲЛИК БРЕНДИМИЗНИ ДУНЁГА НАМОЙИШ ЭТАДИ...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 21 июль куни амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида вилотимизга қилган ташрифи

Туристлар учун ташриф қоғози



Хўш, ўтган давр ичида бу борада нималар амалга оширилди ва истиқболда қандай режалар белгиланди? Вилот Туризмни ривожлантириш департаменти директори Исмаил Нурсов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоти экотуризм, спорт туризми, агротуризм, зиёрат туризми йўналишлари бўйича катта салоҳият ва имкониятга эга ҳудуд бўлиб, улар билан танишишга қизиқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни қўйи-

даги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили вилотга 3,8 миллион, жумладан, 555 мингга яқин чет эллик сайёҳлар ташриф буюрди. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига бу кўрсаткич 1462,5 мингтани, шундан 112,7 минг нафарини чет эллик сайёҳлар ташкил этди. Умуман, 2019 йилги прогноз бўйича ҳудудга 4,7 миллион нафардан ортиқ сайёҳлар ташриф буюриши мўлжалланаётган бўлиб, шундан 898 минг нафарини хорижликлар ташкил этиши кутилмоқда.

Таъкидлаш кераки, Президенти-мизнинг 2017 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган "2018-2019 йилларда Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури" вилотда туризм индустриясини жадал тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу дастур асосида ҳудудларда сайёҳлар учун қўлай шарт-шароит яратиш, соҳада хусусий сектор иштироки устуворлигини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада

ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, иш ўринларини кўпайтириш, миллий сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, соҳадаги муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш борасида изчил иш олиб бoрилмақда. Натижада, вилотимизда ҳозиргача ялпи қиймати 122,5 миллиард сўмлик 40 та туризм объекти фойдаланишга топширилиб, 784 та янги иш ўрни очилди, замонавий жойлаштириш воситаларининг меҳмон қабул қилиш қуввати 3 минг 148 тага ошди.

Ҳозирги кунда 2019-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали туризм инфратузилма объектиларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида вилотимизда қиймати 3 348,4 млрд. сўмлик 105 та туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларнинг 946,1 млрд. сўми тадбиркорларнинг ўз маблағлари, 283,8 млрд. сўми банк кредити ва 252,2 млн. доллар хорижий инвестиция қиритиш ҳисобида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, пировардиди 5 минг 271 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Бугунги кунда вилотимизда махсус лицензияга эга 160 та жойлаштириш воситаси бор. Улар таркибидаги меҳмонхона, санаторий, дам олиш маскани, спорт базаси, клиника, меҳмон уйлари қуввати кунига 4 минг 592 нафар сайёҳни қабул қилиш имконини беради. 36 та тадбиркорлик субъекти эса туроператорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, эко, агро, зиёрат, спорт, экстремал, қишлоқчилик ва бошқа туристик йўналишлар бўйича яратилган 114 та туристик маршрут, асосий йўллар бўйидаги туристик объектларга тааллуқли йўл кўрсаткичлари, биохажатхона ва туризм ахборот марказлари сайёҳлар учун ўзига хос қўлайликлар яратмоқда.

Туристлик масканларда ташриф буюрувчиларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш учун қисқа фурсатда 137 та санитария-гигиена шахобчаси жорий талабларга мослаштирилди, 87 таси қайта қурилди, 38 таси янгидан барпо қилинди. Шунингдек, диққатга сазовор жойларда бир қатор янги лойиҳадаги ҳунармандлар маҳсулотлари дўконини очилди ва миллий русумда тайёрланган сувенирлар сотуви йўлга қўйилди.

Давоми 4-бетда ➡

"Пском" ГЭС тўғонининг баландлиги қанча бўлади?

Пурвиқор тоғлар бағрида барпо этилаётган янги иншоот майдонида қурилиш ишлари авжида. Ушбу лойиҳанинг бош пудратчиси – "To'palang HPD water constuctions" МЧЖ бўлиб, бу ерда иш жараёни вахта усу-

"БелАЗ" юк автомашиналари ҳам жалб этилган.

– Туннелни бурғулашда ишлатилган техникамиз ҳам хориждан, аниқроғи Украинадан келтирилган бўлиб, эҳтиёт қисмлари Германияда ишлаб чиқарилган. SP-32 маркали ушбу комбайн бир соатда 250 куб.

минг куб. темир-бетон ишлари бажарилган ва қурувчиларнинг айтишича, 15 июнга қадар сув чиқариш иншоотидаги ишлар тугатилади.

"Иш билганга минг танга"
ёхуд тежамкор қурувчилар
"Пском" ГЭС қурилишида

метр куб. маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу кунгача бу ерда қурувчиларга 50 минг куб. бетон отказиб берилди. Шағал саралаш заводи ҳам тинимсиз ишлаб турибди. Мутахассисларнинг айтишича, табиий тоғ шариотида олинаётган кум, шағал ва шебеннинг сифати Фазалкентдан келтирилаётган маҳсулотлардан ортиқ бўлса ортиқ, асло кам эмас. Энг муҳи-

теж қуриб битказилади ва ишчиларга топширилади. Умуман, яқин келажақда бу масканда 60 та коттеж, иккита мактабгача таълим муассасаси, битта умумтаълим мактаби ҳамда шу каби умумий фойдаланиш масканлари қурилади.

"Пском" ГЭС биринчиси, аммо сўнггиси эмас...

"To'palang HPD water constuctions" МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Амонулло Шукуровнинг айтишича, "Пском" ГЭС шу номдаги дарё устига қурилаётган биринчи станция, аммо сўнггиси ҳам эмас.

– Биз келгусида юқори Пскомда яна битта ГЭС қуришни мўлжаллаётимиз. У 250 мегаватт қувватга эга кичикроқ станция бўлади. Шунингдек, қуйи Пскомда "Муллаоқ" ГЭСини қуриш ҳам режамизга киритилган бўлиб, унинг қуввати 200 мегаваттга тенг бўлади. Яъни, қўшимча яна 450 мегаватт қувватга эга бўлган иккита ГЭС қурилиши кўзда тутилган. Ушбу иккита янги ГЭС бўйича ҳозир лойиҳа ҳамда геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Уларни қуриш ишларини 2020 йилда бошлаш режалаштирилган.

Янги ГЭС иқтисодиётимизга қанча фойда келтиради?

"Пском" сув омбори тўла ҳажмида 520,8 миллион метр куб. сувни ўзида жамлаб, ундан олиннадиган самарали сув кубини эса 486,5 миллион метр кубни ташкил этади. "Пском" ГЭСининг ишга туширилиши натижасида мамлакат иқтисоди сезиларли даражада фойда кўради. Яъни, ушбу ГЭСдан олиннадиган электр энергияси йилига 300 минг тонна шартли ёқилғи ўрнини босади. Бу билан 250 миллион метр куб. табиий газ ёки 900 минг тонна Ангрен кўмирини тежаб қолиш мумкин. Қолаверса, "Пском" ГЭСининг қурилиши натижасида шу ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш шароити яхшиланган, ижтимоий-иқтисодий ўсишига тўртки бўлади.

**О. ЭШМАМатов,
Е. МЕЛИБОВ (сурат),
Ў.А.**

ПСКОМ ДАРЁСИ –

лида уч сменада ташкил этилган. Айна вақтда "Пском" ГЭСнинг барпо этилишида қарийб 3 минг ишчи хизмат қилмоқда. Медиа-тур қатнашчиларини "To'palang HPD water constuctions" МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Амонулло Шукуров қутиб олди.

– "Пском" ГЭСнинг қурилиш ишлари 2017 йилнинг сентябрь ойида бошланган. – деди биз билан суҳбатда Амонулло Шукуров. – Бугунга қадар тоғ остидан ўтказилган 1 минг 800 метрлик ер ости йўли, яъни туннелнинг асосий қисми қазиб бўлинди, фақат 100 метр жойда бурғулаш ишлари ҳали давом этмоқда. Туннель битганидан кейин дарё тўсилиб, 195 метр баландликдаги тўғон қурилади. Унинг узунлиги эса чап қирғоқдан ўнг қирғоқгача бир километрни ташкил қилади. Тўғоннинг сув сигими эса 500 миллион метр куб. бўлиб, бу ерда барпо этиладиган ГЭС 404 мегаватт (МВт) қувватга эга бўлади. Унинг атрофида 24 километрлик йўл қуриб битказилди. Тўғри, йўлга ҳали асфальт ётқизилмаган, аммо транспортлар бемалол ҳаракатланиши учун етарли шароит яратилган.

Яна бир гап, Пском дарёсида сув соңиясига 250 метр тезликда ҳаракатланади. Бу эса ундан каттагина миқдорда электр энергия олиш имкони мавжудлигини аңглатади.

ГЭС қурилишида 40 та "БелАЗ" хизматда

Қурилиш ишларига жами 280 та техника, жумладан, Беларусдан 45 тонналик сизимга эга бўлган жами 40 та қудратли

◀▶ Бошлангич 1-бетда

Тажриба

"Илмнинг аввали сукат, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатиш!" деган эди ислом илоҳиётчиси ва файласуф Имом Ғаззолий.

ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ НОАЪНАВИЙ УСУЛИ

Дарҳақиқат, ҳамкасбларимиз ўз меҳнат фаолиятлари давомидида ана шу фикрга таяниб иш юритсалар, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунинг учун бор билимларини турли инновацион усуллар билан ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилишлари лозим.

Инглиз тили ўқитувчиси сифатида ўқувчиларимни тил ўрганишга астойдил қизиктириш чораларини кўраман. Ўзим раҳбарлик қилаётган "Let's speak English" тўғраги машғулотида ҳам бошланғич синф ўқувчиларига бу тилни ноаънавий усулларда чуқур ўргатишга ҳаракат қиламан.

Иш тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, дарслар орасида мушакли танлашлардан фойдаланиш, саҳна асарларидан парчалар намойиш қилиш, турли йўналишдаги амалий машғулотларни бажариш, пластиндан турли ўйинчоқлар ясаш болаларнинг хорижий тилларни ўрганишга иштиёқини оширади.

Мана, юртимиз мактабларида ўқув йили якунланиб, имтиҳонлар бошланди. Шу муносабат билан биз хайрли бир ишга қўл урдик. Аниқроғи, тўғрагимизнинг йиллик ҳисоботи тарикасида иккита 4-синф ўртасида "We love English" номи таллов уюштирдик. Унда ўқувчилар Greeting (саломлашиш), Answer the questions (саволларга жавоб бериш), Guessword (кроссворд ечиш), Musical path (музыка йўлакча), Role Play (саҳна кўриниши) шартлари бўйича беллашдилар.

Ҳалиларга совғалар топширилди.

**Зухра ОСМОНОВА,
300-дават ихтисослаш-
тирилган умумтаълим
мактаби ўқитувчиси**

ЧЕКСИЗ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

бурғулаш ишларини амалга оширмоқда, – деди "Тўпаланг гидромахсусқурилиш" трести муҳандиси Ражабали Шарипов. – Кун давомидида 7-7,5 метр жойни бурғулаш орқали қазини режалаштирганмиз. Параллел равишда туннелда мустаҳкамлаш ишларини ҳам олиб бораёямиз. Яъни, қазилган йўлакни металл билан қоплаб туриб, сўнгра орқа тарафидан бетонлаш ишларини бажараямиз. Бунда, энг аввало, ишчилар, қолаверса, техника хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Туннель битганидан кейин диаметри 6,5 метр, қалинлиги 20 миллиметр бўлган қувурлар



ўрнатилади. Яъни, дарё тўсилиб, кўтарилган сув ана шу қувурлар орқали ГЭСга ҳайдалади ва давлатимиз учун керакли бўлган электр энергия ишлаб чиқарилади. Туннелнинг туғаш қисмида сув чиқариш иншооти қурилади. Лойиҳага мувофиқ, бу ерда 15 минг куб. темир-бетон ишлари амалга оширилади. Айна пайтгача 10

ишлатиладиган шағал, кум ва шебен аввалига Фазалкент шаҳридан келтирилди. Бу эса, табиийки, қурувчиларга ортиқча сарф-харажат эди.

Шуни инобатга олган "To'palang HPD water constuctions" МЧЖ муҳандисла-



ри бу ерда шағал ҳамда бетон саралаш заводларини барпо этишга қарор қилишди. Негаки, ГЭС қурилаётган ҳудуднинг шундоқкина биқинида етарлича хом ашё манбаи мавжуд экан. Дарҳол керакли дастгоҳлар келтирилиб, ўрнатилди. Натижада, яна қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди.

– Бетон заводи соатига 100

ми, бетон ҳамда шағал саралаш заводининг ишга туширилиши "Пском" ГЭС қурилиши сарф-харажатларини қарийб 30 фоизгача арзонлаштирди. Бу эса лойиҳанинг умумий таннарни арзонлашишига хизмат қилади.



**ГЭС атрофида
мўжазгина маҳалла
барпо қилинади**

Яқин йилларда "Пском" ГЭС атрофида каттагина маҳалла пайдо бўлади. Лойиҳага кўра, бу ерда ишчи-хизматчилар учун давлат ўйлари қурилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг сентябргача бу ерда 28 та кот-

АГРАР СОҲАДА ЯНГИ ТАРТИБ

ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Президентимизнинг жорий йил 15 март куни "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолати устидан назоратни амалга ошириш, экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширу-

видан ўтказиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлар сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертифицирлаш каби мажбуриятлар ҳам юклатилди.

**Шухрат ХУСЕНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Агроинспекциянинг
вилоят бошқармаси бошлиғи**

лиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди. Ҳатто, давлатимиз раҳбари ҳар бир тадбиркор шахсан ўзининг ҳимоясида экани, унга қарши чиқиб Президент сиёсатида қарши чиқиш билан баробар эканини баралла айтди. Тадбиркорларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш учун банклар масъулияти оширилди. Банк ходимлари уйма-уй юриб, аҳоли орасида оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш, шу орқали турмуш даражасини яхшилаш учун имтиёзли кредитлар тақдир қилди. Хуллас, тадбиркорлиқни ривожлантириш учун нимаки керак бўлса, қилинди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Аммо...

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

муаммолар энди барҳам топади...ми?

Афсуски, шунча имконият, шароит яратилса-да, тадбиркорлик, айниқса, бирор фаолият билан оилавий шугулланиб, рўзгорга қўшимча даромад киритиш барқарор ривожланиб кетмаяпти.

Ҳўш, бунинг сабаби нимада?

Давлатимиз раҳбари йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича давлат бюджетига тушувлар ва экспорт прогнозлари ижроси натижадорлиги ҳамда биринчи ярим йиллик учун белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан ўтказилган видеоселекторда ҳам тадбиркорлар муаммоларига тўхталиб: "Ҳозир биздан тадбиркорлар норози бўлаётган иккита масала бор. Ер бериш масаласи ва қурилишга рухсат бериш масаласи. Биз тепадагиларни олиб ташлаёямиз, лекин пастда ўтирганлар одамларни жуда норози қилапти. Шунинг учун, бизнес омбудсман бу масалада тадбиркорлар манфаати учун курашиши керак, жар солиши керак. Жар солиш керак! Улар ҳали юқорида бўлаётган жараёндан беҳабар. Улар ҳали ўн йил

олдинги гап билан юрибди: "Менга бермасанг, мен қўл қўймайман", дейди. Мана шундай тизим ҳалиям бор Ўзбекистонда. Буни қандай бўлмасин синдириш керак. Синдириш эса осон бўлмаяпти. Чунки, ҳаммаси шундай ишлашга ўрганган. Агар шу балодан ҳам қутулиб оласан, тадбиркорларга кўп енгиллик бўларди", дея дангал гапни айтган эди.

Шунингдек, видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарларга тадбиркорларга қулайликлар яратиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқишга кўрсатма берилган эди.

Ана шу кўрсатмаларга биноан, жорий йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тушув бўлаётган – аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи,

биринчи навбатда, давлат органлари ва тадбиркорларнинг мулоқот қилиши учун амалий ва шаффоф тизимнинг мавжуд эмаслиги; бу эса юзга келаётган масалаларни тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермаётгани; тадбиркорларнинг муаммо ва мурожаатларини ҳал этишга юзаси муносабатда бўлиш ҳолатлари мавжудлиги; тадбиркорлиқни ривожлантиришга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги; давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилишга, шунингдек, уларнинг қонуний талабларини аниқлаш ва тезкорлик билан ҳал этишга етарлича эътибор берилмаётгани; мурожаатлар билан ишлашда жойларда бюрократик тўсиқлар бартараф этилмагани қайд қилинган. Шунингдек, "Ҳар бир сила

– тадбиркор" дастури ва тадбиркорларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларини ўз вақтида амалга ошириш, ушбу жараёнга ёшлар ва хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш, барқарор янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш барча даражадаги ҳокимликлар ва уларнинг раҳбарлари томонидан етарлича қўллаб-қувватланмаётгани каби сабаблар санаб ўтилди.

Ушбу муаммоларни жойида ҳал этиш ва тадбиркорлиқни янада жадал суратларда ривожлантириш мақсадида ҳар бир вилоят ва туман марказларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ташкил этиш вазифаси топширилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эл инвесторларини қабул қилиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида сайёр қабуллар ўтказиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлиқни ривожлан-

ҲИМОЯЧИ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Сўнгги йилларда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстиришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек олий мақсад йўлида суд-ҳуқуқ соҳаларида қатор ислохотлар амалга оширилляпти. Бинобарин, бу борада ёшларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, сиёсий фаоллиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний қафолатларини яхши билишлари муҳим аҳамият касб этади.

Нуктаи назар

Таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда ҳимоя қилувчи ва таъминловчи институт адвокатура бўлиб, унинг индивидуал кўриниши адвокатдир. Ҳимоячининг жамиятда тугган ўрни, унинг ҳуқуқий мақоми ва мамлакатда одил судловни амалга оширишдаги ролига баҳо беришда давлат томонидан ҳимоячи олдига қўйилган вазифалар моҳиятини тушуниб олиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро ҳимоячининг вазифаси жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган ёхуд судланаётган шахсни ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиш, ҳақиқатни аниқлашда ёрдам бериш, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланилишига йўл қўймаслиги, айбланувчининг ҳаракатини тўғри, ҳуқуқий малакалашга ва жиноятга яраша адолатли жазо тайинлашига эришиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қўмақлаштириш.

Ҳимоячи дастлабки тергов ёки суд томонидан қўйилган айб бўйича баҳс, музокара, мунозара юритиб, ҳимоясидаги шахснинг содир қилган ҳаракати суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судья томонидан малакаланган Жиноят кодексидаги моддалар билан эмас, балки унга бошқа моддалар татбиқ этилиши лозимлигига ишонтириш мақсадида далиллар тақдим қилиши, қонунлар ва фармойишлар, ҳукумат қарорлари, қонунга шарҳлар, Олий суд пленумининг қарорлари, тергов-суриштирув идораларининг амалиёти ва бошқа ҳужжатларни мазкур жиноят ишни олиб бораётган шахсларга тақдим этиб, моҳиятини тушунтириб бериши лозим. Буларнинг барчаси иш бўйича ҳақиқатни юзга чиқаришга хизмат қилади. Шунингдек, жиноят процессида тарафларнинг тортишуви ва баҳси ҳақиқат ойдинлашувида катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида адвокатурага берилаётган алоҳида эътибор мустақил республикамизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан адолатли муносабатлар шаклланаётганидан дарак беради. Мустақил Ўзбекистонимизда кейинги йилларда адвокатлик фаолияти билан боғлиқ қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши билан адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ўзгарди, адвокатура тизимида "Адвокатлар фирмаси", "Адвокатлар бюроси", "Адвокатларнинг малака комиссиялари" сингари тушунчалар пайдо бўлди ва адвокатура фаолияти янгича қарашлар билан мазмунан бойиди.

**Сирожиiddин ЖЎРАЕВ,
ИИБ Академияси курсанти**

тиришга ҳалакит қилаётган бюрократик, шў жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат бериш ҳужжатларини олиш масалаларидаги говларни бартараф этиш, чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, тадбиркорларни қабул қилиш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа жорий этилишини назарда тутувчи "business.gov.uz" ягона интерактив портали фаолият кўрсатишини таъминлаш кабилар мазкур қабулхоналарнинг асосий йўналиши этиб белгиланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ташкил этиш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди. Шундай қабулхоналарнинг дастлабки сиёсий вилотиимизнинг Паркент туманида иш бошланди. Бу ерда Бош вазир бир неча тадбиркорларни қабул қилди. Учрашувда тадбиркорларни қийнаётган муаммолар атрофида ўрганилди. Айрим муаммолар ўша жойнинг ўзида ечимини топди. Бошқалари юзасидан мутасаддиларга зарурий кўрсатмалар берилди.

Кўриб турганимиздек, тадбиркорлик фаолиятини юқори босқичга олиб чиқиш учун яна бир муҳим қадам ташланди. Эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоларга шахсан Республика Бош вазири масъул. Бу имкониятдан ҳар бир тадбиркор унумли фойдаланиши керак. Мазкур тизимнинг қандай натижалар беришини эса вақт кўрсатади.

**Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири**

ИҚТИСОДИЁТДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестициялар етакчи роль ўйнайди. Чунки, инвестиция орқали корхоналарнинг капитал жамғаришига, мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга, турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кираб келиши ва тадбиркорлик жадал ривожланишига эришилади.

□ 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Хорижий инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функция ва вазифаларни бажаради. Уларсиз ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти бир маромда ривожлана олмайди. Эндиликда Тошкент вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий мониторинг тизимини ўрнатиш учун вилоят ҳокимлиги

томонидан янги тизим ташкил этилиши аниқ белгилаб олинди, бу борадаги ишларга жиддий ёндашилмоқда. Яъни, 2019 йилнинг 1-чорақ якуни бўйича вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2,5 трлн. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 432,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан

ўсиш суръати 13 бараварни ташкил этди. Ушбу натижаларга кўра, вилоятимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ўтган йилга нисбатан республикада биринчи ўринда қайд этилди. Бунда, асосан, кичик корхоналар томонидан жалб қилинган инвестициялар муҳим роль ўйнаган.

Албатта, хорижий инвестиция иштирокидаги янги корхоналар

сонининг тобора ортиб бориши давлатимизнинг бу соҳага бўлган қатъий эътибори ва уларга яратиб берилаётган қулайликлар натижасидир. Шу сабабли, мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарнинг иқтисодий раёбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш доимий назоратда бўлиши лозим. Бунда қуйидаги вазифаларга аҳамият қаратиш керак:

биринчидан, инфляция даражасини инвестицион лойиҳалар қиймати ўсишига таъсирини камайтириш;

иккинчидан, инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, яъни, хом ашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш;

учинчидан, хорижий иқтисодий

субъектлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда улар билан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш.

Юқоридаги тақлифларимиз асосида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, энг муҳими, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш мамлакатимизда инвестицион сиёсатни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратди.

Эгамқул НОСИРОВ,
доцент,
Ахрор ОЧИЛОВ,
Тошкент молия
институтини магистранти

□ Фармон ва ижро

Ҳар бир инсон кундалик ҳаётида турли масалаларда давлат идораларига мурожаат қилишига тўғри келади. Бу жараёнда баъзан узундан-узоқ навбат кутмишга, асабузарлик ва сарсонгарчиликларга дуч келинади.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК
ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ана шундай муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг мушкулларини осон қилиш, вақтини тежаш, уларнинг ташкилот, идораларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадидан Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрда қабул қилинган "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан республикамизнинг барча ҳудудларида давлат хизматлари марказлари ташкил этилди. Марказлар томонидан бугунги кунда тезкор, қулай ва шаффоф тамойил асосида юридик ва жисмоний шахсларга 100 дан зиёд давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат хизматларининг ҳар бир тури "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойилига кўра, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштирилди. Мазкур жараён фуқаролар билан идоралар ўртасида ошқоралик ва шаффофликка асосланган муносабатларни йўлга қўймоқда. Бу ўз самарасини бериб, мурожаатчилар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятимиздаги барча марказлар томонидан 430 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, 7 мингта тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди. Улардан 845 тасининг ҳужжатлари "сайёр" давлат хизматлари кўрсатиш пайтида расмийлаштирилди.

Афсуски, айрим давлат органларининг ахборот тизими, ресурслари ва маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги ёхуд баъзи мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги фуқароларга ноқулайликлар туғдирмоқда. Яъни, одамларнинг ўзи идорама-идора ҳужжат кўтариб, сарсон бўлишига тўғри келяпти.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2018 йил 23 июлда "Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжат билан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунбузилишларга қарши қўлланиладиган чора-тадбирларга ўзгаришлар киритилди. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилди. Ўзгаришлар бўйича тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари, ҳокимликларда тушунтириш ишлари олиб борилади. Шунга қарамастан, айрим соҳа вакиллари мазкур қонун-қоидаларни чуқур англаб етмаяпти.

– Бошқарманиз томонидан 2019 йилнинг 1-чорагида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси талаблари бузилганлиги учун 53 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жарима жазоси қўлланилди, – дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси юристконсулти Мусажон Каримов. – Улар орасида Янгийўл, Бўка ва Паркент тумани ҳокимларининг қўрилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, Ўрта Чирчиқ тумани ДСИ бошлиғи, Зангиота тумани электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси, Чирчиқ шаҳар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи, Қибрай, Зангиота ва Пискент туманларининг "Архитектура ва қурилиш" бўлими бош архитекторлари, Паркент ва Бекобод туманлари "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими бошлиқлари, шунингдек, Оққўрғон тумани "Сувоқова" филиали бошлиғи ҳам бор.

Шу ўринда бир савол туғилади. Фаолиятида камчиликларга йўл қўлган мутасаддилар ва масъул ходимлар белгиланган жазодан тўғри хулоса чиқариб олишармикан?..

Тахририят бу мавзуга яна қайтади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

□ Бу ҳақда «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди

Сотувчи аёлга бир мижоз ҳасип буюртма қилди. Одам кўп эмасми, аёл бўш лиқопча қидириб қолди. Мижозлардан бўшган идишлардан бирини чаққонлик билан баклашқадаги совуқ сувда номигагина чайқаб, қорайиб кетган латтада тезда артди ва унга таомдан солиб, мижозига узатди...

Дарвоқе, қонунчиликка кўра, озиқ-овқат маҳсулотини чакана сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган. "Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига кўра "...сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаганда, истеъмол мuddати ўтганда, маҳсулотни таркибини тасдиқлов-

Афсуски, Фарҳод Холбоев тақдим этган маълумотлардан айнан "Гуландом" савдо мажмуаси ёнида истеъмол учун тақлиф қилинаётган овқатлар савдосига қачон барҳам берилиши ҳақида аниқ маълумот ололмадик.

Мана шундай манзараларни Паркент тумани қорамол бозорида ҳам учратиш мумкин. Ҳаётнинг яқинба кунлари авжига чиқадиган савдоларда ҳасип, сомса, кабоб каби озиқ-овқатлар антисанитария ҳолатларида сотилади. Уй шароитида тайёрланган мазкур озиқ-овқатлар савдоси ноқонуний эканлигидан туман мутасаддилари қай даражада хабардор?

Саволимизни бу тарзда жўн қўйишимизга сабаб бор, албатта. Ҳар қандай фаолият у қонунга

ла раисларининг аралашувига чек қўйиш керак. Чунки, айнан маҳалла раислари: "Ҳа энди, бу фуқаро бизга ҳомилик ердими кўрсатиб туради, жавобгар қилмай қўя қолинг, бир сафар оғохлантириш беринглар", қабилидаги жаваблар билан орага тушадилар.

– Кўча савдоларининг бир қарашда ҳеч кимга зиёни йўқдек кўриниши мумкин, – дейди вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Маъруф Баракаев. – Лекин, масалани нозик томони бор. Бугунги кунда вилоятимизга хорижлик сайёҳларнинг ташрифи ортган. Бозорлар, кўча-кўйлардаги антисанитария ҳолатида овқат тайёрлаб, сотаётганларни кўриб, уларда биз ҳақимизда қандай тасаввур пайдо бўлади? Кўз олдингиз-

ҚОРИН ДАРДИ — ҚОЗОНГАЧА,
КЎЧА САВДОСИ ҚАЧОНГАЧА?

чи ёрлиги бўлмаганда, озиқ-овқат маҳсулотлари реализациясига руҳсат этилмайди", деб қўрсатиб ўтилган.

– Шаҳримиз марказида, аҳоли гавжум жойларда уй шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш ҳоллари кўп учрамоқда, – дейди Нурафшон шаҳар ДСЭНМ бош вараи Фарҳод Холбоев. – Бундай ноқонуний савдоларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадига Нурафшон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ИИБ ва ДСИ ҳамда ДСЭНМ ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, қатъий чоралар кўриломоқда.

Хусусан, шаҳар ДСЭНМ томонидан махсус белгиланмаган жойда, ноқонуний ташкил этилган, сифати кафолатланмаган, номаълум технологик жараёнда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган 17 нафар фуқарога 2018 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 31 миллион сўмдан ортиқ жарима солинди.

◀◀ Бошланғич 1-бета

ИИБ ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан кўча савдолари бўйича амалий чоралар кўрилишини айтиди.

– Ҳар бир туман ҳокимлиги ишчи гуруҳ фаолияти мунтазамлигини таъминлаш керак, – дейди вилоят ДСЭНМ бўлим бошлиғи Абдураҳмон Исмоилов. – Юқори даражадаги фаоллик асосида йўлга қўйилган ишчи гуруҳ кучи билан жойларга чиқиб ўрғанишларнинг натижаси, албатта, бўлади. Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар мавжуд бўлишини назарда тутувчи савдо қоидаларига риоя қилинган ҳолда фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади. Шу боис, бу борадаги масъулият ва жавобгарлик, энг аввало, жойлардаги солиқ, ИИБ, қолаверса, ҳокимликлар зиммасига тушади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 378-сонли қароридан аниқ кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, кўча савдоси билан шуғулланаётган фуқаролар аниқланганда турли идоралар, аynиқса, маҳал-

га келтиринг: кир либосда (халат-сиз) ёғли кўллари билан пулни санаб олган сотувчи шу қўли билан бошқа бир кишига овқат тутқазмоқда. Нозиктаб чет элликларни қўя турарлик, бу ўз соғлиғимиз учун хавфли эканини, четдан қараганда жуда хунук кўринишини қачон англаб етасиз?

Биз қўраётган мавзунинг ташвишли томони фақатгина санитария-гигиена талабларининг бузилиши эмас. Ноқонуний кўча

савдолари ортидан турли даражадаги муаммолар чиқиб келаяпти. Бу жараёнларга чек қўйиш истидада бўлган ташкилот ходимларининг жабр кўраётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

– Оғриқли масалани кўтараяпсиз, – дейди туман ДСЭНМ бош вараи Набижон Жўраев. – Қорамол бозоридagi озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, албатта, ноқонуний. Бу ҳолат белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай савдоларга чек қўйиш мақсадига бир неча маротаба жиддий ҳаракат қилганмиз. Лекин, хунузгача уй шароитида тайёрланган озиқ-овқатлар савдоси тўхтамаётганига бозор паттачилари ҳам қисман айбдор. Тушумни кўпайти-

риш мақсадига овқатларни уйда (ким билади қандай шароитда) тайёрлаб келаятган фуқаролардан патта пули олишади. Бундан улар: "Савдо қилишим мумкин экан", деган хулоса чиқаришади. Айни шу жиҳат ДСЭНМ ходимларига катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Оқибатда улар томонидан: "Мана бозор маъмурияти берган чек, савдо қилишга ҳуқуқим бор, сенга нима, овқатини еб ҳали ҳеч ким ўлгани йўқ, бор ишингни қил", мазмундаги гап-сўзлар билан қаршилик кўрсатилмоқда. Очиги, масалага жиддий ёндашиб, кўча савдоларига барҳам бериш қиришиш учун туман солиқ, ДСЭНМ, ИИБ, ҳокимлик ходимларидан иборат ишчи гуруҳ фаолияти мунтазам, қаттиққўллик билан олиб борилиши шарт. Фақат туман ДСЭНМ ходимларининг кучи билан ҳеч нимага эришиб бўлмаяпти.

Масалан, ўтган йилнинг ёз ойида ходимларимиз томонидан туман деҳқон бозори ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотини савдоси билан белгиланган тартибларга зид равишда шуғулланаётган бир фуқаро аниқланган эди. Тушунтириш ишлари олиб бориш жараёнида фуқаро жанжал кўтариб, ходимларимизни ҳақорат қилиб, ҳатто тан жароҳати етказишгача борди. Мазкур ҳолат юзасидан маъмурий тартибда, иш очилиб, судга оширилди. Аммо, ўша фуқаро судда (адашмасам) 60-65 минг сўм жарима билан қутулиб қолди. Бирок, негадир унга бу фаолият билан шуғулланишни таққиллаш белгиланмади. Шундан кейин ўша фуқаро ходимларимизга қарата: "Қўлингдан нима келди", деганча очикчасига мазаҳ қилишга ўтди. Фикримча, бундай ноқонуний савдо билан шуғулланаётган фуқароларга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳам кучайтириш керакдир?!

– Ҳақинда хорижда ишлайдиган бир дўстим ўз ҳамкасбини олиб келди, – дейди Юқори чирчиқлик Хасан Эшов. – Меҳмонни роса иззат қилдик. Баҳаво жойлар, гўзал табиатимиз манзараларини кўриб, ҳайратини яшира олмайди. Бирга бозорларимизни айландик. Меҳмон бозорларимиз ва кўча-кўйдаги озиқ-овқат савдоларини кўриб: "Сизда одамлар шундай овқатланишади?" деди...

Яширишга ҳожат йўқ. Озиқ-овқатларнинг кўча савдоси вилоятимизнинг барча туманларида бор. Уларни бирма-бир санаб ўтиришни лозим топмадик. Лекин, мавзунинг ўрганиш жараёнида анча ҳайратланарли мисолларга дуч келдик. Мақсадимиз кимдир шарманда қилиш эмас, бундай ноқонуний "тадбиркорлик"ка чек қўйиш. Ўзингиз йўланг, кимдир заҳарланса ёки бирор касаллик ортиқсиз, кейин кеч бўлмасин.

Тахририят мутасаддилардан аниқ натижалар кутади ва бу мавзуга яна қайтади.

Абдулсалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

□ Саломат бўлинг

XXI асрда болалар ўртасида учраётган энг жиддий муаммолардан бири семизликдир. Дарҳақиқат, семиз болаларда қандли диабет ва юрак қон-томир, таянч-ҳаракат касалликлари, айниқса, остеоартрит каби ўткир инфекцияли хасталиклар авж олиб, хунук оқиботларга олиб келмоқда.

«АСАЛ» БОЛА
— КАСАЛ
БОЛАМИ?

Бу ҳақда Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган "Семиз бола – соғлом болами?" акцияси доирасидаги тадбирда гапирилди. Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари, инновацион соғлиқни сақлаш миллий



палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бўлими ходимлари, шаҳардаги барча тиббиёт муассасалари шифокорлари ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2013 йилдаги маълумотларига кўра, 5 ёшгача бўлган 42 миллион нафар бола ортқича вазнга эга бўлган. Агар вақтида чора кўрилмаса, бу кўрсаткич 2025 йилга бориб 70 миллионга етиши мумкин экан.

Тадбир бадантарбия машқури билан бошланди. Сўнгра шифокорлар 5 км.га юриш ва югуриш мусобақаларида қатнашди.

– Боланинг вазнига таъсир этувчи биринчи омил кам ҳаракатлик, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бўлим мудири Орузхон Латипова. – Бугун болалар асосий вақтини телевизор ва компьютер қаршида ўтказишмоқда. Бу кам ҳаракатликдан эса вазн ортиб бораёпти. Иккинчи омил – нотўғри овқатланишдир. Болалар тез тайёрланувчи егуликлар, турли фас-фудлар, газли ичимликлар ва ширинлик истеъмолини камайтиришлари керак. Фаол ҳаёт тарзи ва тўғри овқатланиш бундай салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Тадбирда мутахассислар соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш маданияти, репродуктив саломатлик ва қизлар гигиенаси ҳақида маълумот беришди.

Мафтунахон
СУННАТЛЛАЕВА,
ЎЖОКУ 1-босқич
талабаси

"ЎЗНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ"
ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

"Ўзнефтьгазинспекция" Тошкент ҳудудий бошқармаси тадбиркорлик билан шуғулланаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги ҳужжат юритувчи субъектларга профилактика амалий ердан бериш, бугунги кунда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, нефть маҳсулотлари ва табиий газдан самарали фойдаланиш, муқobil ёқилғи турларини кенг татбиқ этиш, шунингдек, "Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташвиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича" тасдиқланган Йўриқнома талаблари бўйича иш юритилишида қўмақлашишга доимий тайёр эканлигини билдиради.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мўкинчи кўчаси, 98-уй. Ишонч телефони рақами: (71) 253-27-96 ва (71) 253-08-94.

"Ўзнефтьгазинспекция" Тошкент ҳудудий бошқармаси маъмурияти

Ижтимоий эълонлар

Тошкент вилоятининг 2019 йил январь-апрель ойларида асосий иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида

Вилоятда амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар доирасида чора-тадбирларнинг давом эттирилиши барча соҳаларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

2019 йилнинг январь-апрель ойларида вилоят корхоналари томонидан 15282,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 109,0 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13084,3 млрд. сўм, тоғ-қон саноати ва очик қонларни ишлаш 538,1 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавонини қондиштириш 1606,7 млрд.

сўм ва сув билан таъминлаш, каналлизация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 53,3 млрд. сўмни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-апрель ойи давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 1178,7 млрд. сўм миқдоридан баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо товар айланиши жорий йилнинг январь-апрель ойларида 4365,5

млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизга ўсди.

Шунингдек, вилоят бўйича улгуржи савдо айланимаси 2019 йилнинг январь-апрель ойларида 2043,5 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,3 фоизни, овқатланиш корхоналарининг товар айланимаси эса 139,5 млрд. сўмни, яъни, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,6 фоизни ташкил этди.

Вилоятда 2019 йил январь-апрель ойларида бозор

хизматлари ишлаб чиқариш ҳажми 3869,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,1 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо хизматлари ҳамига нисбатан 32,0 фоиз, транспорт хизматлари (25,9 фоиз), молиявий хизматлар (13,3 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматларида (4,6 фоиз) қузаилди.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Хусусий эълонлар

"NURLI SABON" МЧЖ ташкилотига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"EL-SAM-SAMARA" МЧЖ ўз устав фонди 21 806 835 (йигирма бир миллион саккиз юз олти минг саккиз юз ўттиз беш) сўмдан 21 448 835 (йигирма бир миллион тўрт юз қирқ олти минг саккиз юз ўттиз беш) сўмлик бичо-иншооти чиқарилиб, 380 000 (уч юз олти минг) сўмга камайтирилаётганини маълум қилади.

Республикада туризм соҳасида бошқа давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро талабларга мос замонавий туризм ҳудудларини яратиш мақсадида сармоядорларнинг қизиқишини ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтилган, вилоятимизда бу борадаги ишлар қийин бўлган бўлиши ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтилган, вилоятимизда бу борадаги ишлар қийин бўлган бўлиши ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йилнинг 19-21 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"



мажмуасида бўлиб ўтган "Туризм индустриясига инвестициялар" I халқаро кўргазманинг Тошкент вилояти учун ажратилган қисмида эксклюзив тарзда махсус стенд тайёрланди ва инвесторлар учун зарур шароитлар яратилди. Форум натижаларига кўра, умумий қиймати 130,6 миллион долларлик 35 та келишув битими имзоланди. Мазкур битимларга кўра, хорижий ва маҳаллий талабдорларга жами 272,4 гектар ер ажратилди, бу лойиҳаларни амалга ошириш эвазига 1 минг



390 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида вилоят ҳокимлиги томонидан масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Tash Vegas" хорижий корхонасига дам олиш маскани, кўнгилчор парк ва шаҳарчалар қуриш учун Ўрта Чир-

Бошланғич 1-бета

чиқ туманидаги Туябўғиз сув омбори (Тошкент денгизи ҳудудида) муҳофаза минтақасидан 3,8 гектар, "New York Invest Group" МЧЖга меҳмонхона, ресторан, дам олиш ва кўнгилчор масканларни ўз ичига олган туризмни ривожлантириш маркази барпо этиш учун Бўстонлик туманидаги "Коронкул" маҳалласи ҳудудидан лалми йилов ва бодан иборат 52 гектар ер ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тегишли фармон ва қарорларига асосан Бўстонлик туманида майдо 96 минг гектарлик "Чорвоқ" эркин туристик зона-

лар берилгани ва қулай шароитлар яратилгани боис ўтган йил ноябрь ойининг ўзига 37 нафар инвестор бу ерда меҳмонхоналар қуриш бўйича ўз лойиҳаларини тақдир қилди.

Хусусан, Франциянинг "Orex-Loisirs", "SCP Geode" ва "Compagnies Alpes" компаниялари "Чорвоқ" эркин туристик зонасининг Билдирсой, Чимён-Чорвоқ ҳудудлари бош режасини ишлаб чиқиш ва замонавий туристик объектлар қуриш учун инвесторларни жалб қилиш истагини билдирди. Айни пайтда эркин туристик зона ҳудудида 229 та туристик объект, хусусан, 3 минг 327 ўринли 19

йўл, 2 та қўл барпо этилади ва 20 та сунъий қор тайёрлаш ускуналари ўрнатилади. Мажмуани 2022 йил тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган. Ҳеч шубҳа йўқки, мазкур объект



зирик ва идоралар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилоятда 2019-2020 йилларда меҳмонхоналар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб

чиқилди. Ушбу қарор лойиҳаси тасдиқланса, икки йил ичида вилоятда 16,6 минг сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга бўлган 200 та меҳмонхона қад ростлайди. Шунинг хисобидан меҳмонхоналар сони уч баробарга, улардаги ўринлар сони тўрт баробарга ортади.

Хусусан, жорий йилда шакллантирилган манзилли рўйхатга мувофиқ, жойларда умумий қиймати 1 триллион сўмдан ортиқ 50 та туристик объект фойдаланишга топширилишини айтиб ўтиш керак. Шу тариқа жойлаштириш воситаларининг меҳмон қабул қилиш қуввати 2 минг 897 тага кўпаяди ва 2 минг 458 та янги иш ўрни яратилади.

Булардан ташқари, жорий йилда вилоятнинг туристик салоҳияти, инвестиция жозибадорлиги тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган ягона сайтини яратиш, туристик имкониятларини очиб берувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдимот материалларини тайёрлаш, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва дипломатик марказлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, туман ва шаҳарларда Туризм ахборот марказларини ташкил қилиш, туристлар учун хунармандчилик буюмлари савдосини йўлга қўйиш, жойларда туризм фестиваллари ва сайилларини ўтказиш сингари қатор таъкилий тадбирларни амалга ошириш ҳам иш режамидан ўрин олган.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
сўхбатлашди

«Амирсой сайёҳлик брендимизни дунёга намойиш этади...»

си ташкил этилгани бу борадаги фаолиятимизнинг янги босқичини бошлаб берди. Шуниси эътиборлики, "Тошкентбошплан ЛИТИ" давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган бош режада янгитдан барпо этиладиган туристик объектларни ушбу ҳудуддаги иншоотларни бузмаган ҳолда жойлашти-

та меҳмонхона, 6 та сихатгоҳ, 4 та дам олиш маскани ва бошқа шахобчалар фаолият юритмоқда. Хисоб-китобларга кўра, бу ҳудудга ҳар йили ўртача 3 миллионга яқин маҳаллий ва хорижий сайёҳлар келади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳудудда 14 та йирик туризм объекти қурилаётганини

зонага сайёҳлар оқимини янада оширади ва Ўзбекистоннинг туризм брендини дунёга намойиш этади.

Вилоятимизнинг бетақорор гўшаларига сайёҳлар оқимининг кўпайётгани кувонарли. Демак, истиқболдаги режалар ҳам шунга яраша салмоқли бўлса керак...



мамнуният билан айтиб ўтиш керак. Уларнинг орасида ҳарийб, 1000 гектар майдонни эгаллаган "Амирсой" тоғ қороти мажмуаси Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Умумий қиймати 100 миллион еврога тенг ушбу лойиҳа асосида 150 ўринли 20 та котеж, 300 ўринли беш юлдузли меҳмонхона, 150 ўринли ресторан, 2 та осма

Биргина рақамни келтирмаган, кейинги икки йилда хорижий сайёҳлар оқимини 3,5 бараварга кўпайтириш чоралари қўрилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил август ойида Бекобод шаҳри, Бекобод ва Зағиота туманларига ташири чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ва-

МЕҲНАТ ОРТИДА ҲАЛОВАТ

Зағиота тумани "Пастдархон" маҳалласилик Мухаррам Исмоиловани кўпчилик яхши танийди. 1991 йилдан бери гулчилик билан шуғулланиб келадиган Мухаррам ая дастлаб тоғорқасида 1 сотихли иссиқхона барпо этиб, тадбиркорлик қила бошлади.



Кейинчалик унга турмуш ўртоғи Раҳматхон ака елкадош бўлди. Икки ўғли ва қизлари Юлдузхон ҳам ёнларига кирди. Ҳозирда Исмоиловлар оиласи 27 сотих ерда кўчатчилик билан шуғулланишади.

Дастлаб хонаки ва мавсумий гуллар етиштирар эдик, — дейди тадбиркор. — Кейинчалик хориждан помидор, булғор қалампир, бақлажон уруғларини келтириб, икким шароитимизга мос кўчат

етиштиришга киришдик. Ҳозирда Япония, Франция, АҚШ, Голландия, Туркия зироатчилари билан ҳамкорлик қилаёғимиз. Ҳалол меҳнат ортидан болаларимизни ўқити, уйли-жойли қилдик. Минг шукр, Ҳаж зиёратига бориш насиб этди. Ўғилларим Жамшид шифокор, Юсуфжон эса иқтисодчи бўлсада, ишдан бўш пайтларида тадбиркорлик билан шуғулланишади. Қолаверса, набираларим ҳам фойдали меҳнат билан банд.

Ўз муҳбиримиз
М. ҲИММАТОВ олган сурат

Уққанга балли!

Бир куни ота ўғлини қақириб, елкасига қўлини қўйиб ундан: "Ким кучли ўғлим, сенми, менми?" деб сўради. "Мен кучлиман-да, ота", деб жавоб берибди ўғил. Жавобдан қониқмаган ота яна сўради: "Нима учун сен кучлисан?". Ўғил: "Ахир, мен ўқиганман, ишлайман. Истаган юмушмни қилишга имкониятим ҳам, куч-қувватим ҳам етарли. Шунинг учун кучлиман-да", деб жавоб қилибди.

КИМ КУЧЛИ?

Бу сўзлардан ранжиган ота ўғлининг ёнидан узоқлашибди ва эшик остонасига етганда ортига қайрилиб яна сўради: "Ўғлим, сўнгги бор сўрайман: ким кучли? Сенми, менми?". "Энди мен кучсизман, Сиз кучлисиз, ота", дебди ўғил.

Ота унинг жавобидан ажабланиб, сабабини сўради: "Нега икки марта сўраганимда мен кучлиман дединг, учинчи бор сўрасам кучсизман, деяпсан, ўғлим". Шунда ўғил: "Икки бор сўраганимда Сиз ёнимда, қўлингиз елкасиз, шунинг учун кучсизман, ота", деган экан.



@haqiqatonline

Томорқа — хазина



Кейинчалик унга турмуш ўртоғи Раҳматхон ака елкадош бўлди. Икки ўғли ва қизлари Юлдузхон ҳам ёнларига кирди. Ҳозирда Исмоиловлар оиласи 27 сотих ерда кўчатчилик билан шуғулланишади.

Дастлаб хонаки ва мавсумий гуллар етиштирар эдик, — дейди тадбиркор. — Кейинчалик хориждан помидор, булғор қалампир, бақлажон уруғларини келтириб, икким шароитимизга мос кўчат

ТЕЛЕГРАММА

келдим", дейишим шартми? Самолётда учмай эшак аравада келибманми бу ерга? деб бу сўзни ҳам ўчирди. "Соғ-саломатлигим аниқ-ку? Уйдалигимда соппа-соғ эдим, нима, тўрт соатда айниманми?" деб яна ўчирди. "Қайси калла билан "сени ўпаман" деб ёздим? Телеграммада ҳам ўпиш мумкин экан-

ми?" деди-ю буни ҳам ўчирди.

Қараса, телеграммада "Москва" деган сўз билан ўзининг исми қолибди. "Москвага учмай Берлинга учибманми, хотиним билади-ку", деб буни ҳам ўчирди. Кейин "хотиним исминини билади", деб охири сўзни ҳам ўчиргач, ўйлади: "Телеграмма юбориш шартми? Агар фалокат бўлиб, самолёт портласа, радиодами ё телевизордами эълон қилишарди, хотиним шундан билади. Фалокат ҳақида хабар йўқми, демак, етиб келганим аниқ. Бир ҳафтадан кейин қайтиб бораман. Эсон-омон учганимни ўшанда айтаман. Айтаман-у, росманасига ўпиб қўяман".

Машхурлар бисотидан

Бир қадрдоним бор эди. эди... Буниси ҳам майли, Кунора кўнғироқ қилиб, хаф-икки гапнинг бирида "Мен тада келиб турар, шифохонага тушиб қолсам, "Овора бўлман", дейишимга қарамай, ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагига дам олмай, топиб бора-рар, "бир чўқимгина" ош қил-маса, кўнгли жойига тушмас

Амал курсисидан ўтирганимда ким энг кўп товоғини яласа, курсидан тушганимда ўша биринчи бўлиб, сендан юз ўтиради, деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим.

«ТУТИНГАН»
ЎФИЛ
Суриштирсам бошқа ота излаб юрган экан...
Ўқир ҚОШИМОВ

Эрли НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбўтчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz // th-pt@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририят компьютер марказида
терийда ва Тоҳир Маҳмудовнинг
томонидан сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Зиёратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Эрли НОРБЕКОВ